
Кун санаси: 3 декабрь – Халқаро ногиронлиги бўлган инсонлар куни

БМТ ташкилоти томонидан 3 декабрь –Халқаро ногиронлар куни, деб эълон қилинган. Ушбу сана бутун дунё бўйлаб кенг нишонланади ва бундан асосий мақсад ақлан ва жисмонан нуқсонли бор замондошларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Риштон туманида ҳам ушбу сана олдидан кўнгли ярим юртдошларимиз ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий жиҳатдан ёрдам бериш ишлари бошлаб юборилди. Жумладан, туман ҳоқими С. Солиев, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи ўринбосари Т. Абдурахмоновлар туманимизда яшовчи ногиронлиги бўлган фуқаролар ҳолидан хабар олишди ва уларга ногиронлик аравачи совға қилишди. Кези келганда айтиш жоиз, ушбу сана 1992 йилда қабул қилинган БМТ Бош Ассамблеяси қарорига биноан ҳар йили нишонланиб келинмоқда. Бундан асосий мақсад жамиятда ногиронлар дуч келаётган муаммоларни яхшироқ тушуниш, уларни бартараф этиш, кадр-қиммати, ҳуқуқларини ҳимоялаш, турмуш шароитларини яхшилашдан иборат. Зеро, бу тоифа инсонларнинг соғлигида муаммоси бор бўлгани боис имкониятлари чекланган ва моддий шароити ҳам талаб даражасида эмас. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали жамиятнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётидаги фаоллигини таъминлашга эришиш мумкин. Бугунги кунга келиб дунё аҳолисининг 1 миллиарддан ортиғида, яъни етти кишидан камида биттасида муайян бир турдаги ногиронлик мавжуд. Демак, сафимиздаги имконияти чекланганларни ҳар томонлама сафимизда мавжудлигини таъминлаш учун уларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, кадр-қимматини ҳимоя қилиш даркор.

2021-12-04 06:20:55